

БЕКЧАНОВ ХУДАЙБЕРГАН ЎРИНОВИЧ

**ШИМОЛИ – ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАРИ
(INSECTA, LEPIDOPTERA) ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Бекчанов Худайберган Ўринович

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилари (Insecta, Lepidoptera)
фаунаси ва экологияси 3

Бекчанов Худайберган Уринович

Фауна и экология чешуекрылых (Insecta, Lepidoptera) Северо –
западного Узбекистана 28

Bekchanov Khudaybergan Urinovich

Fauna and ecology of Lepidoptera (Insecta, Lepidoptera) of northwestern
Uzbekistan 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

БЕКЧАНОВ ХУДАЙБЕРГАН ЎРИНОВИЧ

**ШИМОЛИ – ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАРИ
(INSECTA, LEPIDOPTERA) ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/B144 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Холматов Бахтиёр Рустамович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кимсанбоев Хўжамурод Хамроқулович
биология фанлари доктори, профессор

Медетов Махсетбай Жапакович
биология фанлари доктори

Зокиров Исломжон Илхомжонович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «10» март куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 1709-АР-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2023 йил «24» февраль куни тарқатилди.

(2023 йил «24» февралдаги 4-рақамли реестр баённомаси).



А.П. Пазиллов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис
университети, б.ф.д., профессор

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий хотиби, б.ф.д., профессор

А.Э. Кучубоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида содир бўлаётган чўлланиш, тупроқлар деградацияси, иқлимнинг кескин ўзгаришлари, урбанизация жараёнлари ва антропоген омилларнинг салбий таъсири натажасида, табиий ва сунъий ўрмон ва тўқайларни кескин камайиб кетишига сабаб бўмокда. Ер юзида дарахтларнинг майдони йилдан йилга камаймокда. Марказий Осиёнинг ўрмон, тўқай ва чўл ҳудудларида учрайдиган табиий ўсимликлар турлари ва табиий ёдгорликларидан 1000 ёшли дарахтларни антропоген омиллар билан бир қаторда, хавфли зараркунанда ҳашаротлар томонидан тез нобуд бўлишига олиб келмокда. Биохилма-хилликни сақлаш мақсадида, дунёда ҳашаротларнинг камёб ва ноёб турлари тарқалган алоҳида аҳамиятга эга ҳудудлар аниқланди, иқлим омиллари ва саноат ишлаб чиқаришининг ҳашаротлар популяцияларига таъсири баҳоланди, қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи вакиллари қарши кураш чоралари такомиллаштирилди. Шундан келиб чиқиб, ўрмон ва тўқай ўсимликлари ҳашаротлари фаунасини аниқлаш, экологиясини тадқиқ этиш ва зарарли турларга қарши кескин кураш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий – амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда тангачақанотли ҳашаротларнинг биологик хилма-хиллик хавфсизлигини таъминлаш, турли омиллар таъсирида тангачақанотли ҳашаротларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини аниқлаш, йўқолиб кетаётган ва кам учрайдиган турларни муҳофаза қилиш чораларини ҳамда зарарли турларига нисбатан самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмокда. Бу борада, жумладан, дунёда ҳашаротларнинг камёб ва ноёб турлари тарқалган алоҳида аҳамиятга эга ҳудудларни аниқлашга, иқлим омиллари ва саноат ишлаб чиқаришининг ҳашаротлар популяцияларига таъсирини баҳолашга, қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи вакиллари қарши кураш чораларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмокда.

Республикада биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида, табиий ва сунъий ҳудудларда кенг тарқалган зараркунанда ҳашаротлар фаунасининг тур таркибини аниқлагандан кейингина самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эришилади. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натажасида, жумладан, ҳашаротларнинг тур таркиби аниқланди, уларнинг йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари муҳофаза остига олинди, зарарли турларга қарши биологик кураш усуллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ “... 79-мақсад: Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.” вазифалари белгиланган. Мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда, тангачақанотлилар фаунасининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг зоогеографик тақсимланишини таҳлил қилиш, электрон маълумотлар базасини яратиш, зарарли турларини назорат қилиш усулларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат рўйхатини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПК-3256-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи².

Тангачақанотли ҳашаротларнинг биохилма-хиллиги, фаунистик комплекслари, экологияси ва зоогеографиясига ҳамда амалий энтомология яъни зараркунанда турларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Instituto Nacional de Pesquisas da Amazonia (Бразилия), University of Wyoming (АҚШ), Institute of zoology (Хитой), Zoological Research Museum Alexander Koenig (Германия), Москва Давлат университети (Россия), Zoological Survey of India (Ҳиндистон), Зоология институти (Қозоғистон), Чўл ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси миллий институти (Туркменистон) ва Зоология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тангачақанотли ҳашаротларнинг филогенияси ва систематикасининг хилма-хил муаммолари, фаунаси, морфологияси, экологияси, зоогеографиясига ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан тангачақанотлиларнинг тур таркиби аниқланган ҳамда зарарли турларининг тарқалиш ареаллари хариталаштирилган ва улар популяциясини назорат қилишнинг ГАТ тизими яратилган (University of Wyoming, АҚШ); ҳашаротларнинг популяция

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchgate.com](http://www.researchgate.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

динамикасини бошқариш ва экологик жараёнларни математик моделлаштириш механизмлари ишлаб чиқилган (Энтомология институти, Чехия); ҳашаротлар филогенияси, таксономияси масалалари қайта ишланган (German Entomological Institute); қишлоқ хўжалиги экинларида зараркунандалик қилувчи Lepidoptera, Coleoptera, Hemiptera, Orthoptera ва Hymenoptera туркумларига мансуб ҳашаротларнинг электрон базаси яратилган ва уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (Indian Agricultural Research Institute).

Дунёда ҳашаротлар синфининг турли агроценозлардаги хилма-хиллиги ва экологик хусусиятлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан ҳашаротларнинг замонавий систематик классификациясини яратиш, уларнинг молекуляр генетик базасини ишлаб чиқиш, энтомофаунанинг тарқалишини аниқлаш, фойдали турларини кўпайтириш, ноёб ва камёб турларнинг статусини ўрганиш бўйича тегишли дастурларни кўриб чиқиш ҳамда биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, зарарли турлар популяциясини экологик безарар усуллар орқали бошқариш механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тангачақанотлиларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, таксономияси, экосистемалардаги роли, маданий ўсимликларни ҳашаротлардан ҳимоя қилиш воситалар тизими бўйича дунё миқёсидаги маълумотлар хорижий олимлар С.Н. Алфераки (1875 ва 1877), А.Г. Butler (1886), J.L. Austaut (1897), А. Bang-Haas (1906), S. Bleszynski (1965), М. Ahola (2008) ва бошқалар томонидан келтирилган.

МДХ мамлакатларида тангачақанотлиларнинг тарқалиши, фаунаси, экологияси ва зараркунандалари ҳамда эстетик аҳамиятга эга гуруҳлар бўйича тадқиқотларни В.И. Кузнецов (1915, 1948, 1958, 1960, 1999, 2001, 2005), В.И. Дегтярева (1964), Ю.Л. Щёткин (1960), Т.Б. Токгаев ва бошқ. (1967), И.Л. Сухарева (1972, 1974 ва 1982), Г.А. Красилникова (1967), М.И. Фалькович (1978, 1979 ва 1989), Е.А. Беляев (2011), Ю.П. Коршунов ва бошқ. (1995, 2002), А.Н. Стрельцов (1998), А.Б. Мартыненко (2005 ва 2006), С.К. Корб (2011), И.И. Богдонов (2012), Р.В. Яковлев (2013 ва 2014) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда тангачақанотлилар фаунаси, тарқалиши ва экологиясига доир қисқача маълумотлар А.В. Крейцберг (1984), Д.А. Азимов ва бошқ. (1993), А. Юсупов (1995), М. Рахимов (1997), И.И. Закиров (2020), О.Г. Легезин ва бошқ. (2020) лар томонидан олиб борилган.

Бироқ, мазкур тадқиқот ишлари Ўзбекистонда амалга оширилган бўлсада, Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ўрмонлари ва чўлларида тарқалган тангачақанотлилар ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунга кўра, Шимоли – ғарбий Ўзбекистоннинг ўрмонлари ва чўлларида тарқалган тангачақанотлиларнинг замонавий тур таркибини аниқлаш, кадастрини ишлаб чиқиш ва зарарли турларини назорат қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Республика фаунасини комплекс тарзда ўрганиш, ҳайвонот дунёси объектларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш» (2017-2027) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларининг замонавий тур таркибини аниқлаш, зоогеографик тақсимланишини ҳамда экологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тангачақанотли ҳашаротларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларни замонавий систематика асосида таксономик таҳлил қилиш;

тангачақанотли ҳашаротларнинг зоогеографик тақсимланишини таҳлил қилиш;

тангачақанотли ҳашаротларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш;

тангачақанотли ҳашаротларнинг фенологик гуруҳлари ва ривожланиш циклларини ўрганиш;

тангачақанотли ҳашаротлар доминант гуруҳларининг ҳаётий шакллари тасвирлаб бериш;

тангачақанотли ҳашаротларнинг биологик хилма-хиллигини аниқлаш;

тангачақанотли ҳашаротларнинг иқтисодий аҳамиятини очиб бериш ва ноёб турларни ҳимоя қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ҳудудлари фаунасига оид тангачақанотлиларнинг турлари ва озукаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тангачақанотлиларнинг фаунаси, экологик хусусиятлари, зоогеографияси, биохилма-хиллиги, кадастри ва уларнинг зарарли фаолиятини бошқариш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, энтомологик, зоогеографик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Шимоли – ғарбий Ўзбекистонда тангачақанотли ҳашаротлари фаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 7 та катта оила 13 оила 44 кенжа оила 69 триба 153 авлодга мансуб 261 тур аниқланган;

илк бор Ўзбекистон фаунаси учун тангачақанотли ҳашаротлар туркуми вакиллари 15 тури аниқланган;

тангачақанотли ҳашаротлар фаунасининг 5 та биотоп бўйича шаклланиши ва турли агроценозларда тарқалиши исботланган;

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотли ҳашаротларининг географик кенглик ва узунлик кесимида 21 гуруҳга ажратилган;

ўсимликларнинг асосий ҳаёт шакллари билан озиқланиш мосланишига кўра, фитофаглар асосий 4 та йирик экологик гуруҳга дендробионт, тамнобионт, хамебионт, хортобионт ва 7 та кичик гуруҳга тақсимланиши очиб берилган;

тангачақанотли ҳашаротлар озуқага ихтисослашувининг кенглик даражаси бўйича 3 та гуруҳга монофагларга – 71 тур, олигофагларга – 65 тур ва полифагларга – 125 тур тегишлилиги аниқланган;

тангачақанотлиларнинг ўсимлик оилалари билан ўзаро муносабати таҳлилига кўра 2 та оила, яъни Geometridae ва Erebidae вакиллари 16 тадан ўсимлик оилаларида ривожланиши акс этган: Cossidae оиласи вакиллари – 10 та, Lasiocampidae – 15 та, Sphingidae – 10 та ўсимлик оилаларида ривожланиши очиб берилган;

тангачақанотлиларнинг учуш даврларини кузатиш натижаларига кўра 11 та фенологик гуруҳга ажратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишки диапауза шакли ғумбак шаклида 127 турни, ғумбак-тухум шаклида – 1, ғумбак – қуртлик шаклида – 1, тухум ҳолатида – 89 тур, қуртлик ҳолатида – 26 тур ва имаго ҳолатида – 17 тури учради. Тангачақанотлиларнинг *Phalera bucephala*, *Leucoma salicis*, *Euproctis chrysorrhoea*, *Orgyia antiqua*, *Diloba caeruleocephala*, *Acronicta aceris*, *Melanchra pisi* – ўрмон ва тўқай ўсимликларининг хавфли зараркунандалари эканлиги очиб берилган;

Malacosoma neustria, *Lasiocampa quercus*, *Orgyia recens*, *Conistra vaccinii* каби турлар мевали боғ ўсимликлари билан озиқланадиган гуруҳига кириши исботланган;

Cosmotriche lobulina, *Odonestis pruni*, *Lycia hirtaria* турлари манзарали очик уруғли ва қаттиқ пояли дарахтларнинг энг жиддий зараркунандаларига кириши исботланган;

чўл ўсимликларидан саксовул, қандим, куёнсуякка ўхшаш дарахт ва буталарга *Cossus shmakovi*, *Cossus mongolicus*, *Holcocerus inspersus*, *Holcocenis gracilis* турларининг зарар етказиши очиб берилган;

қишлоқ хўжалик ўсимликларининг жиддий зараркунандалари *Calliteara pudibunda*, *Amphipyra pyramidea*, *Eupsilia transversa*, *Cosmia trapezina*, *C. pyralina* эканлиги очиб берилган;

тангачақанотли ҳашаротлар туркуми вакили *Arctia caja* туринг заҳарли эканлиги исботланган;

Шимолий-ғарбий Ўзбекистонда тангачақанотлилар миқдорининг энг кам бўлган 7 турини Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимоли – ғарбий Ўзбекистон

тангачақанотли ҳашаротлари фаунасини тўла таҳлил қилинганлиги ва популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги таксономик бирликлар қайд қилинганлиги, биологик хилма-хиллигига ва ҳаёт шаклларига асосан экологик гуруҳларининг тавсифланганлиги, туркум ҳашаротлари экологик мониторинг қилинганлиги ҳамда жуда кам тарқалган турлар рўйхати тузилганлиги, бу ҳудуддаги содир бўлаётган антропоген ўзгаришларнинг ҳашаротлар фаунасига таъсири баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотли ҳашаротларининг кадастрини юритиш, маълумотлар базасини ишлаб чиқиш, йўқолиб кетаётган ва кам учрайдиган турлар тарқалган ҳудудларни аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш учун тавсия қилиш, янги кимёвий препаратлар ёрдамида зараркунандаларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун, улардан боғ ва ўрмонларни ҳимоя қилишда, чидамлилигини ошириш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилари (Insecta, Lepidoptera) фаунаси ва экологияси бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Шимолий – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларининг турли сабабларга кўра сони қисқариб бораётган, йўқолиб кетиш хавфи бўлган турларини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2022 йил 8 октябрдаги 01/18-2155-сон маълумотномаси). Натижада, кам ва жуда кам тарқалган 18 турнинг популяцияларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Тангачақанотлилар туркумига тегишли бўлган 86 турга мансуб 189 нусха капалак намуналари Республикада етакчи бўлган Зоология коллекцияси ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 16 ноябрдаги 4/1255-2875-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар республиканинг шимолий – ғарбий ҳудудлари бўйича ҳашаротлар фондини бойитган ва улар популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш, турли боитопларда тарқалиши ва экологиясини ўрганиш ҳамда интерфаол атласлар тайёрлаш имконини берган;

Хоразм давлат ўрмон хўжалиги ҳудудларида тарқалган тангачақанотли ҳашаротларнинг 34 тури зараркунандалик хусусиятига эга эканлиги аниқланиб, уларнинг зарарини олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Хоразм давлат ўрмон хўжалиги ҳудудий бўлимлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон

хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 23 ноябрдаги № 03/21-5610-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудуддаги зараркунанда тангачақанотли ҳашаротларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, булардан ташқари ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик турларини қўриқлаш, кўпайтириш, табиатдаги табиий популяциясини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш ҳамда илмий-маданий мақсадларда табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланишни таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 3 та монография (2 та республика ва 1 та хорижий), 1 та услубий қўлланма, 1 та ўқув қўлланма ва ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола (12 та республика ва 10 та хорижий журналларда), 17 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, беш та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 213 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шимоли-ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилари фаунасининг ўрганилиш ҳолати”** деб номланган биринчи боби иккита бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда тангачақанотлиларнинг тур таркиби, биологияси зоогеографияси, зарарли турлари ва улардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, бўлимда кам ўрганилган айрим тангачақанотлиларнинг экологияси бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаганлиги, адабиётларда келтирилган маълумотлар ҳозирги замон фаунистикасини тасвирлаб бера олмаслигини ҳамда тангачақанотлиларни кенг доирада ўрганиш кераклиги келтириб ўтилган. Бобнинг иккинчи бўлимида, тадқиқот усул ва материаллари акс

этирилган. Тангачаканотлиларни тадқиқ қилиш ишлари 1998 – 2022 йиллар (жами 24 йил) давомида, 42 дан ортиқ ҳудудларда олиб борилган. Турларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш юзасидан тадқиқотлар белгиланган маршрутлар ҳамда стационар усулда олиб борилган ва белгилаб олинган ҳудудларда ўтказилган (1-расм).



1-расм. Шимоли - ғарбий Ўзбекистон ҳудудларида тангачаканотлилар йиғилган координаталарининг харита ёрдамида ифодаланиши (Google Earth)

-  -стационар майдон,  - маршрутли майдон

Бунинг учун катта майдонни эгаллаган географик ҳудудлар, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг тўқай, ўрмон хўжаликлари, чўл, тоғ ҳудудлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган агроландшафтлардан тангачаканотлиларнинг намуналари йиғилди. Кундузги ҳашаротлардан намуналар йиғишда умумэнтотомологик усуллардан, тунги капалакларни йиғишда эса махсус ДРЛ ёриткичли ушлагичнинг турли русумли (Phillips – 250 Вт ва Phillips – ТЛ 8W/05) лампаларидан фойдаланилди. Уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш ва коллекция намуналарини тайёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Дунаев 1997; Палий 1970; Мазин 1984). Тадқиқот ишлари давомида имаго, қурт ва ғумбаклар босқичидаги 15 мингдан ортиқ тангачаканотлиларнинг намуналари йиғилди ва ўрганилди.

Диссертациядаги олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили “Microsoft Excel” ва “BioStat 2008” дастури ёрдамида ҳамда

статистик таҳлили Г.Ф. Лакин (1990) методи асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг “Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотли хашаротларнинг тур таркиби ва таксономик таҳлили” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижасида йиғилган ҳар бир турнинг синонимлари, аниқланган жойи ва муддати, биономикаси, турлар сони, уларнинг жинси, таксономик ўрни, тақсимланиши, озиқланишига кўра гуруҳланиши, зоогеографик ҳудудлари, тарқалиши ва диапауза ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларининг 7 та (Drepanoidea, Cossioidea, Lasiocampoidea, Bombycoidea, Geometroidea, Noctuoidea ва Papilionoidea) катта оила, 13 оила, 44 кенжа оила, 69 триба ва 153 авлодга мансуб 261 тур ва кенжа тури тарқалганлиги биринчи бор қайд қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Шимоли – Ғарбий Ўзбекистоннинг тангачақанотлилар оилаларининг авлод ва турлар миқдори бўйича тақсимланиши.


№	Оилалар номи	Кенжа оила лар сони	%	Трибалар сон	%	Авлодлар сон	%	Турлар сон	%
1	Drepanidae	2	4,54	–	–	6	3,91	8	3,06
2	Cossidae	1	2,28	1	1,45	2	1,30	7	2,68
3	Lasiocampidae	4	9,09	9	13,05	11	7,18	15	5,75
4	Sphingidae	3	6,82	5	7,25	9	5,87	10	3,83
5	Geometridae	4	9,09	23	33,33	30	19,6 0	45	17,24
6	Notodontidae	4	9,09	2	2,89	10	6,64	18	6,90
7	Erebidae	9	20,44	13	18,84	26	16,9 9	71	27,20
8	Nolidae	2	4,54	3	4,35	4	2,61	5	1,91
9	Noctuidae	10	22,73	8	11,60	44	28,7 5	68	26,05
10	Hesperiidae	1	2,28	1	1,45	2	1,30	2	0,78
11	Lycaenidae	2	4,54	2	2,89	7	4,57	9	3,44
12	Nymphalidae	1	2,28	1	1,45	1	0,64	2	0,78
13	Pieridae	1	2,28	1	1,45	1	0,64	1	0,38
	Жами	44	100	69	100	153	100	261	100

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тангачақанотлилар оилалар кесимида қуйидагича тақсимланди: Erebidae – 71 тур, Noctuidae – 68, Geometridae – 45, Notodontidae – 18, Lasiocampidae – 15, Sphingidae – 10, Lycaenidae – 9, Drepanidae – 8, Cossidae – 7, Nolidae – 5, Hesperiidae – 2, Nymphalidae – 2,

Pieridae оиласида эса 1 турдан иборат. Изланишлар натижасида Geometridae оиласига мансуб битта тур (*Idaea emarginata* Linnaeus, 1758); Notodontidae оиласига мансуб бир тури (*Pheosia tremula* Clerck, 1759); Erebidae оиласига мансуб битта тури (*Catocala conversa* Bahg-Haas, 1907); Noctuidae оиласига мансуб беш тури - (*Cosmia diffinis* (Linnaeus, 1767), *Hadula leucheima* (Boursin, 1963), *Orthosia incerta* (Hufnagel, 1766), *Orthosia gothica* (Linnaeus, 1758), *Orthosia populeti* (Fabricius, 1775); Hesperidae оиласига мансуб битта тури (*Carcharodus alceae* Esper, 1780); Lycaenidae оиласига мансуб учта тури (*Athamantia japhetica* (Nekr et Effendi, 1983), *Cupido proscusa* (Erschoff, 1874) ва *Praephilotes anthracias* Christoph, 1877); Nymphalidae оиласига мансуб учта тури *Apatura metis* (Freyer, 1829), *Nymphalis xanthomelas* (Esper, 1781) ва *Nymphalis antiopa* Linnaeus, 1758) Ўзбекистонда илк бор қайд этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Тангачақанотли хашаротларнинг зоогеографик таҳлили, минтақавий ва географик узунлик ҳамда кенгликлар бўйича ареаллари**” деб номланган бўлиб, Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларини бир қанча муаллифлар (Емельянов, 1974; Олсуфьев, 1980; Городков, 1984, 1992; Мартыненко, 2007; Стрельцов, 1998; Крижановский 2001 ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган назариялар асосида зоогеографик таҳлил қилиб ўрганилган.

Шимоли – Ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилар турларининг географик кенглик ареаллари бўйича тақсимланиши натижаларига асосан улар 5 та гуруҳга ажратилди: Бореал турлар – 41 та (15.70%), Мўътадил турлар – 61 та (23,37%), Мўътадил-субтропик турлар – 119 та (45.21 %), Суббореал турлар – 29 та (11.11%), Суббореал-субтропик турлар – 12 та (4.59%) (2-расм).



2-расм. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилар турларининг географик кенглик бўйича тақсимланиши

3-расм. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилар турларининг географик узунлик бўйича тақсимланиши

Шимоли – Ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлилар турларининг географик узунлик ареаллари бўйича тақсимланиши натижаларига асосан

улар қуйидагича бўлинади: Космополит турлар – 6 та (2,29%), Трансголарктик турлар – 43 та (16,47%), Транспалеарктик турлар – 149 та (57,08%), Амфипалеарктик турлар 9 та (3,44%), Шарқий Палеарктик турлар 8 та (3,06%), Ўрта Осиё чўл турлар 8 та (3,06 %), Ўрта Осиё эндемиги турлар 38 та (14,55%) (3-расм).

Комбинациялаштириш натижасида географик узунлик ва кенглик компонентларининг бирлашиши ҳудуддаги тангачаканотлилар орасида ўз таркибига кўра бир – биридан катта фарқ қиладиган 20 та арелогик гуруҳни ажратишга имкон беради. Бунинг натижасида ўрганилаётган гуруҳга хос бўлган йўналишларда турлар ажратиб кўрсатилди.

Кўп сонли турларга эга гуруҳлар фонида тўрттаси ажралиб туради, булардан Транспалеарктик – Мўътадил – субтропик турлар – 82 та (31,4 %), Осиё эндемиклари Мўътадил – 32 та (12,2%), Трансголарктик Мўътадил – субтропик турлар 28 та (10,7%) ва Транспалеарктик Суббореал турлар 26 та (9,9%). Бу фаунанинг зоогеографик кўринишини айнан шу тўрт гуруҳ аниқлайди. Ушбу гуруҳлар атрофида иккита комплекс шаклланиши ва қарама – қарши туриши мумкин. Юқоридагилардан ташқари Транспалеарктик – Бореал турлар, Транспалеарктик – Мўътадил турлар, Транспалеарктик – Мўътадил – субтропик турлар, Транспалеарктик – Суббореал турлар ва Транспалеарктик – Суббореал– субтропик турлар миқдор жиҳатдан 57,1 % ни ташкил қилиб, Шимоли – Ғарбий Ўзбекистон тангачаканотлиларининг асосий катта қисмини ўз ичига олади. Қолган гуруҳлар эса кам қисмини ташкил қилди. Шундай қилиб Шимоли – Ғарбий Ўзбекистон капалакларининг фаунасида Транспалеарктик турлар бирмунча устунлиги билан тахминан иккита эквивалент тур комплексларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу ўрганилаётган ҳудудда ҳилма-хил ўрмонлар жойлашганлиги ҳамда турларни шимолдан келиб чиққанлиги билан тушунтирилади ва турлар фаунанинг кўпчилик қисмини ташкил қиладди.

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачаканотлиларининг маҳаллий фаунаси ва унинг филогенетик алоқаларини аниқлаш учун бошқа ҳудудларнинг ҳам тур таркиби тўлиқ аниқланган. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачаканотлилар ареалининг географик кенглик ва узунлик бўйича таҳлил натижалари асосида қуйидаги тартибда гуруҳларга ажратилган (2-жадвал).


**Шимоли – ғарбий Ўзбекистон капалакларининг географик кенглик ва
узушлик кесимида тақсимланиш миқдорининг (ареологик)
минтақавий гуруҳланиши**

Ареалларнинг географик узушлик катта гуруҳлари ва гуруҳлари	Белгилаш	Ареалларнинг географик кенглик гуруҳлари					Жами
		Бореал гуруҳ	Мўътадил гуруҳи	Мўътадил – субтропик гуруҳ	Суббореал гуруҳ	Суббореал– субтропик гуруҳ	
I. Космополит катта гуруҳи	-	-	-	-	-	-	-
Космополит гуруҳи	КОС	-	-	5	-	1	6
II. Голарктика катта гуруҳ	-	-	-	-	-	-	-
Трансголарктик	ТРГ	12	-	28	2	1	43
III. Палаеарктик катта гуруҳ	-	-	-	-	-	-	-
Транспалаеарктик гуруҳ	ТРС	15	22	81	26	5	149
Амфипалаеарктик гуруҳ	АМФ	9	-	-	-	-	9
Шарқий Палаеарктик гуруҳи	ШП	-	3	-	1	4	8
IV. Ўрта Осиё чўл гуруҳи	ЎОЧ	-	4	3	-	1	8
V. Ўрта Осиё эндеми гуруҳи	ЎОЭ	5	32	1	-	-	38
Жами:		41	61	118	29	12	261

Диссертациянинг “**Тангачақанотли ҳашаротларнинг биоэкологик хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида тангачақанотлилар фаунаси қуртларининг озуқа муносабати, озиқланиш типлари, озиқланиш ихтисослашуви, ўсимликларнинг ҳаётий шаклига қараб тақсимланиши, озуқага ихтисослашувининг кенглик даражаси, фенологик гуруҳлари, ривожланиш цикллари ва диапаузаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган тангачақанотлиларнинг асосий қисми, яъни доминант вакиллари асосан юксак ўсимликларда озиқланадиган – фитофаглар ташкил қилади. Қуриган барг ва ўсимлик қолдиқлари билан озиқланадиган вакиллари - детритофаглар эса камроқ учрайди. Уларга Erebidae оиласининг Herminiinae, Nypeninae ва Boletobiinae кенжа оиласига мансуб айрим турларни киритиш мумкин. Ушбу кенжа оилаларга мансуб турлар орасида ўсимлик детритлари билан озиқланишдан ташқари лишайниклар, мохлар ва замбуруғлар билан озиқланадиган турлар ҳам мавжуд.

Тангачақанотлилар ўсимликларнинг ҳаётий шакллари билан озиқланиш ихтисослигига кўра ўзига хос гуруҳларга ажратилди. Жумладан: Дендробионтлар 134 тур (51,34%), дендрохортобионт 8 тур (3,06%),

дендротамнобионт 48 тур (18,4%), дендротамнохортобионт 15 тур (5,74%), дендрохамебионт 38 тур (14,57%), дендрохамехортобионт 1 тур (0,38%), дендротамнохамебионт 7 тур (2,7%), тамнобионт 2 тур (0,76%), тамнохортобионт 1 тур (0,38%), хамебионт 5 тур (1,91%) ва хортобионт 2 турни (0,76%) ташкил қилиши аниқланди (4-расм).



4-расм. Ўсимликларнинг ҳаётий шаклларида капалак қуртларининг оилалар кесимида тақсимланиши

Фитофаг тангачақанотлилар озуқага ихтисослашувининг кенглик даражасига қараб монофаг, олигофаг ва полифагларга тақсимланди. Шунга кўра монофаглар 71 турни (27,2%), олигофаглар 65 турни (24,9%) ва полифаглар 125 турни (47,9%) ташкил қилди. Таҳлиллар натижасида полифагларнинг устунлиги, турларнинг яшаш шароитларининг хилма-хил бўлиши ва турли хил оилага мансуб ўсимликлар билан озиқланишига боғлиқ (3 – жадвал).


3-жадвал

Тангачақанотлиларнинг озуқага ихтисослашувининг кенглик даражасига қараб тақсимланиши

Т/р	Оилалалар	Монофаглар сони	%	Олигофаглар сони	%	Полифаглар сони	%	Жами
1	Drepanidae	—		5	62,5	3	37,5	8
2	Cossidae	—		—		7	100	7
3	Lasiocampidae	2	13,3	3	20	10	66,7	15
4	Sphingidae	2	20	4	40	4	40	10
5	Geometridae	17	37,8	8	17,8	20	44,4	45
6	Notodontidae	3	16,7	9	50	6	33,9	18
7	Erebidae	32	45,1	20	28,1	19	26,8	71
8	Nolidae	1	20	—		4	80	5

9	Noctuidae	9	13,2	14	20,6	45	66,2	68
10	Hesperiidae	—		—		2	100	2
11	Lycaenidae	4	50	—		4	50	8
12	Nymphalidae	1	33,3	2	66,7	—		3
13	Pieridae	—		—		1	100	1
14	Жами:	71	27,2	65	24,9	125	47,9	261

Турларни озуқа кенглиги ва ўсимликларнинг ҳаётий шакли бўйича таҳлили шуни кўрсатадики монофаглар ўз навбатида қуйидаги кичик гуруҳларга ажратилди: монофаг дендробионтлар 38 тур, монофаг тамнобионтлар 30 тур, монофаг хамебионтлар 1 тур, монофаг хортобионтлар 1 тур. Олигофаглар ҳам худди шундай, олигофаг дендробионтлар 45 тур, олигофаг дендротамнобионтлар 9 тур, олигофаг тамнобионтлар 6 та, олигофаг дендрохамебионтлар 4 та, олигофаг дендротамнохамебионтлар 1 турни ташкил қилди. Полифаглар ҳам ўз навбатида полифаг дендробионтлар 51 тур, полифаг дендрохортобионтлар 8 тур, полифаг дендротамнобионт 39 тур, полифаг дендротамнохортобионт 15 тур, полифаг тамнобионт 2 тур, полифаг дендрохамебионт 3 тур, полифаг дендрохамебионтлар 2 тур, полифаг тамнохортобионтлар 5 тур, полифаг хортобионтлар 1 турни ташкил қилди (5-расм).



5-расм. Турларнинг озуқа кенглиги ва ўсимликларнинг ҳаётий шаклларига қараб тақсимланиши


Тангачақанотлилар вакиллари ўсимлик оилаларида озиқланишига кўра қуйидагича тақсимланди: Drepanidae оиласига мансуб турлар 4 та ўсимлик

оилаларида (Salicaceae, Tiliaceae, Fagaceae, Betulaceae) озиқланади; Cossidae оиласи турлари 10 та ўсимлик оилаларида (Rosaceae, Betulaceae, Salicaceae, Ulmaceae, Tiliaceae, Fabaceae, Fagaceae, Oleaceae, Amaranthaceae, Tamaricaceae); Lasiocampidae оиласи турлари 15 та ўсимлик оилаларида (Betulaceae, Salicaceae, Tiliaceae, Rosaceae, Fagaceae, Tamaricaceae, Oleaceae, Ulmaceae, Grossulariaceae, Pinaceae, Fabaceae, Asteraceae, Elaeagnaceae, Amaranthaceae, Polygonaceae); Sphingidae оиласи турлари 10 та ўсимлик оилаларида (Tiliaceae, Rosaceae, Betulaceae, Salicaceae, Ulmaceae, Oleaceae, Grossulariaceae, Pinaceae, Elaeagnaceae, Solanaceae); Geometridae оиласи турлари 16 та ўсимлик оилаларида (Fabaceae, Salicaceae, Betulaceae, Tiliaceae, Rosaceae, Tamaricaceae, Fagaceae, Polygonaceae, Ulmaceae, Grossulariaceae, Pinaceae, Asteraceae, Capparaceae, Amaranthaceae, Sapindaceae, Caprifoliaceae); Notodontidae оиласи турлари 7 та ўсимлик оилаларида (Salicaceae, Betulaceae, Fagaceae, Ulmaceae, Tiliaceae, Fabaceae, Asteraceae); Erebidae оиласи турлари 16 та ўсимлик оилаларида (Salicaceae, Polygonaceae, Fagaceae, Rosaceae, Ulmaceae, Fabaceae, Tamaricaceae, Betulaceae, Oleaceae, Elaeagnaceae, Grossulariaceae, Asteraceae, Amaranthaceae, Sapindaceae, Cupressaceae, Plantaginaceae); Nolidae оиласи турлари 7 та ўсимлик оилаларида (Fagaceae, Salicaceae, Tiliaceae, Rosaceae, Fabaceae, Asteraceae, Betulaceae); Noctuidae оиласи турлари 16 та ўсимлик оилаларида (Salicaceae, Fagaceae, Rosaceae, Pinaceae, Fabaceae, Polygonaceae, Tiliaceae, Grossulariaceae, Betulaceae, Ulmaceae, Oleaceae, Amaranthaceae, Plantaginaceae, Asteraceae, Capparaceae, Tamaricaceae); Hesperidae оиласи турлари 2 та ўсимлик оилаларида (Malvaceae, Rosaceae); Lycaenidae оиласи турлари 6 та ўсимлик оилаларида (Rosaceae, Betulaceae, Ulmaceae, Polygonaceae, Oleaceae, Fabaceae); Nymphalidae оиласи турлари 2 та ўсимлик оилаларида (Salicaceae, Betulaceae) ва Pieridae оиласи турлари 2 та (Rosaceae, Ericaceae) ўсимлик оилаларида озиқланиши аниқланди (6-расм).


Худуд тангачақанотлиларининг озиқланиш кенглигига кўра тақсимланишидан кўриниб турибдики, турларнинг энг кўп сони Salicaceae оиласи ўсимликларида учрайди ва 197 турни ташкил қилади. Ушбу турлар ичида полифаглар 117, олигофаглар 60, монофаглар эса 20 турни ташкил қилади. Betulaceae оиласи вакилларида 123 тур учрайди, шулардан 107 тур полифаг, 12 тур олигофаг, монофаглар эса 4 турни ташкил қилади. Rosaceae оиласи вакилларида 150 тур бўлиб, шулардан 129 тур полифаг, 16 тур олигофаг, 5 тур монофаг турлар ҳисобланади.

Ушбу бобнинг тангачақанотли ҳашаротларнинг фенологик гуруҳлари ва ривожланиш цикллари деб номланган бўлимида фенологик даврлар бўйича капалакларнинг учиб саналари ва экологик диапаузаларини ҳисобга олган ҳолда Шимоли – ғарбий Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан тутилган капалаклар 11 та фенологик гуруҳга ажратилди. Баҳорги – ёзги – кузги турлар 40 (15,3 %), эрта баҳорги турлар 7 (2,6 %), баҳорги турлар 6 (2,3 %), кеч баҳорги турлар 11 (4,2%), баҳорги – ёзги турлар 82 (31,4 %), эрта ёзги турлар 24 (9,2%), ўрта ёзги турлар 18 та (6,8 %), кеч ёзги турлар 18 (6,8 %),

ёзги кузги турлар 48 (18,39 %), эрта кузги турлар 3 (1,14 %), кеч кузги турлар 4 (1,52 %) тани ташкил қилади (7-расм).



6-расм. Тангачақанотлилар оилалари вакиллари оиди озиқланадиган ўсимлик оилалари ва авлодлари билан трофик алоқаси



7-расм. Фенологик гуруҳларда ривожланиш цикллари акс этиши

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълумки, Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларининг фенологик жиҳати ва ривожланиш циклларида **моноволтин** турлар барча фенологик гуруҳларда учраши кузатилди, **биволтин** турлар фенологик гуруҳлардан 6 тасида учради, **поливолтин** турлар эса фақат 4 та фенологик гуруҳда учради (4-жадвал).

4-жадвал

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларининг фенологик жиҳати ва ривожланиш цикллари бўйича тақсимланиши


№	Турларнинг фенологик жиҳати	Турларнинг ривожланиш цикллари			Жами
		Моново лтин	Биволти н	Поливол тин	
1	Баҳорги-ёзги-кузги турлар	9	22	9	40
2	Эрта баҳорги турлар	7	-	-	7
3	Баҳорги турлар	6	-	-	6
4	Кеч баҳорги турлар	11	-	-	11
5	Баҳорги-ёзги турлар	38	34	10	82
6	Эрта ёзги турлар	18	6	-	24
7	Ўрта ёзги турлар	15	3	-	18
8	Кеч ёзги турлар	18	-	-	18
9	Ёзги-кузги турлар	33	7	8	48
10	Эрта кузги турлар	3	-	-	3
11	Кеч кузги турлар	2	1	1	4
	Жами	160	73	28	261

Тангачақанотлиларнинг диапаузаси

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ўзига хос иқлими ва рельефига эга яъни бу регионнинг қиш фасли жуда совуқ, ёз фасли эса жуда иссиқ бўлганлигидан, капалакларнинг экологик диапаузасига эътибор қаратилди. Энг кенг тарқалган диапауза қиш фаслида кузатилди.

Эволюцияда улар яшаш учун кураш, табиий танланиш натижасида турни сақлаб қолиш мақсадида ноқулай шароитга мослашишнинг турли шаклларига ўтган.

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган 261 тур тангачақанотли ҳашаротларнинг тиним даври турлича босқичда кўзга ташланади. Шулардан 127 тур ғумбак босқичида, 1 тур ғумбак-тухум босқичида, яна 1 тур ғумбак – қуртлик босқичида, 89 тур тухум ҳолатида, 26 тур қуртлик ҳолатида ва 17 тур эса имаго ҳолатида ўзининг наслини сақлаб қолади (8-расм).



8-расм. Тангачақанотлиларнинг диапаузаси


Диссертациянинг “Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотли ҳашаротларининг биохилма-хиллиги” деб номланган бешинчи боби 3 та бўлимдан иборат бўлиб, тангачақанотли ҳашарот турларининг бойлик моделлари ва биотопларни фаунистик комплексини қиёсий тавсифи бўлимида Шимоли – ғарбий Ўзбекистон минтақасидан йиғилган материалларнинг ҳар хил нисбатдаги турлар бойлигига эга эканлиги шкалалар бўйича келтирилган. Унга кўра, I – шкала бўйича 9 тур, II – шкала бўйича 10 тур, III – шкала бўйича 24 тур, IV – шкала бўйича 141 тур, V – шкала бўйича 77 тур киради. Бундан кўриниб турибдики турларнинг бойлиги жиҳатидан IV – шкала бўйича тарқалган турлар кўпчиликни ташкил қилади (5-жадвал).

5-жадвал


Шимоли – ғарбий Ўзбекистон минтақасида тарқалган капалаклар турларининг бойлик шкалалари бўйича тақсимланиши

Бойлик шкаласи	Наъмуналар сони	Турлар сони	%
I	1–2	9	3,45
II	3–6	5	1,91
III	7–14	27	10,34
IV	15–36	155	59,39
V	37–89	64	24,53
VI–IX	> 90	1	0,38
Жами		261	100

Тангачақанотли ҳашаротларнинг биохилма–хиллигини аниқлаш ва уни таҳлил қилиш натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудларидан йиғилган турлар 52,87 % ни, Хоразм вилоятидан йиғилган турлар эса 47,13 % ташкил қилади (9 – 10-расмлар).



9-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидан йиғилган турлар микдорининг графиги



10-расм. Хоразм вилоятидаги ҳудудларидан йиғилган турлар микдорининг графиги

Шимоли – ғарбий Ўзбекистон тангачақанотлиларнинг имагоси асосий 5 та биотопдан (тўқай, тоғ, антропоген, қумли ёки псаммофит чўл, шўрланган ёки галофит чўл) йиғилди ва биотопларда тарқалиши уларнинг озуқа ихтисослиги, ҳаёт тарзи, географик ва экологик муҳитга мослашишига боғлиқ хусусиятлари батафсил ёритилган. Турларнинг тарқалишига қараб эса жами 18 турдаги биотопга ажратилди.

